



БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2024-йил 26-октябрь

“Ажиниёз Қўсибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш”

мавзусидаги

халқаро илмий-амалий конференцияси

АХБОРОТ ХАТИ



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**



**БЕРДАҚ НОМИДАГИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**2024 йил 26-октябрь “Ажиниёз
Қўсибой ўғлининг адабий
меросини ўрганиш”**

**мавзусидаги
халқаро илмий-амалий
конференциясига
таклиф этамиз**

МУРОЖААТ УЧУН:

К. Низаматдинов
Тел: +998 97 563-05-69
+998 61 223-60-62
К. Юсупов
Тел: +99891 302-64-02

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 июлдаги “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-258-сонли Қарорининг 3-банд билан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йил 26 октябрь куни Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети томонидан “Ажиниёз Қўсибой ўғлининг адабий меросини ўрганиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси анъанавий ва масофавий (онлайн) шаклда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Мазкур конференцияда профессор-ўқитувчилар, докторант ва мустақил изланувчилар, магистратура ва бакалаврият талабалари конференция мавзусидан келиб чиқиб, ўзларининг илмий мақола ва тезислари билан иштирок этишлари мумкин.

Конференцияга қабул қилинган барча маърузалар, материаллар қайта кўриб чиқилгандан сўнг, конференция материаллари тўплам сифатида нашр этилади.

Конференциянинг тиллари: қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз.

Конференция қуйидаги шуъбаларда ўтказилиши режалаштирилган:

- тилшунослик;
- адабиётшунослик ва фольклоршунослик;
- педагогика ва психология;
- фалсафа, эстетика ва тарих;
- музика ва сўз санъати.

Маъруза, мақола ва тезислар мазмунига қўйиладиган талаблар:

- конференция мавзуси доирасида бўлиши лозим;
 - мавзунинг долзарблигини асосланган бўлиши лозим;
 - муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва методологик асоси ёритилган бўлиши лозим;
 - хулоса ва тавсиялар изчилликда баён этилган бўлиши лозим.
- Тезис ва мақолаларни расмийлаштиришнинг техник талаблари:
- матн муҳаррири – MS Word;
 - саҳифа – А4 ўлчамда, қаторлар ораси - 1 оралик, 2x2 ўлчамда;
 - шрифт – Times New Roman, 14 ўлчамда, 1,0 интервалда;
 - ҳажми – 5-10 бет;
 - битта мақола ёки тезиснинг муаллифлари сони 3 тадан ошмаслиги;
 - битта муаллифнинг мақола ёки тезислари сони 2 тадан ошмаслиги;
 - аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши (намуна бўйича);
 - ҳаволалар катта қавсда, матн охиридаги адабиётлар рўйхати билан кетма-кетлигига мос тарзда берилади (намуна бўйича).

Мақола ва тезислар Анти-плагиат дастурида текширилган, мақола ва тезисларнинг оригиналлиги камида 70 фоиздан паст бўлмаслиги лозим.

Мақола ва тезислар 2024-йил 30-сентябргача Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимига gayrat-n@bk.ru электрон почта манзилига ёки К.Низаматдинов, +99897-563-05-69, К.Юсупов, Тел.: +99891-302-64-02 телеграм akkaунтларига (Муаллиф Ф.И.Ш.doc) шаклида юборилиши лозим.

MAQOLA SARLAVHASI

Azizov Aziz Azizovich

Ish joyi va lavozimi

El.pochta: a.azizov@gmail.com,

Tel: 91-000-00-00

Annotatsiya: maqolaning annotatsiya matni (kamida 50 ta soʻzdan iborat boʻlishi lozim).

Kalit soʻzlar: kalit soʻzlar (5-8 soʻz).

Maqolaning matni yoziladi [1]. Maqolaning asosiy matni qismi yoziladi. Maqolaning asosiy matni yoziladi. Maqolaning asosiy matni yoziladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Azizov A. Norma ijodkorligi faoliyati tahlili//Yuridik fanlar axborotnomasi, 2023. №2. - B.11-12.